

“KAPITAL SUG‘URTA”
Акциядорлик жамияти
Кузатув Кенгашининг
2025 йил 06 ноябрдаги
баённомаси билан



ТАСДИҚЛАНГАН»

Йигилиш раиси

Воистинов К.А.

“KAPITAL SUG‘URTA” AKSIYADORLIK JAMIYATI УСТАВИ (янги таҳрири)

ТОШКЕНТ –2025 йил

I. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1.1. “KAPITAL SUG‘URTA” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда – “жамият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига (кейинги ўринларда – “қонун ҳужжатлари” деб юритилади) мувофиқ ташкил қилинган.

1.2. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

ўзбек тилида:

- кирилл ёзувида: “KAPITAL SUG‘URTA” акциядорлик жамияти;
- латин ёзувида: “KAPITAL SUG‘URTA” aksiyadorlik jamiyati.

рус тилида: Акционерное общество “KAPITAL SUG‘URTA”;

инглиз тилида: “KAPITAL SUG‘URTA” joint-stock company.

1.3. Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

ўзбек тилида:

- кирилл ёзувида: “KAPITAL SUG‘URTA” АЖ;
- латин ёзувида: “KAPITAL SUG‘URTA” AJ.

рус тилида: АО “KAPITAL SUG‘URTA”;

инглиз тилида: “KAPITAL SUG‘URTA” JSC.

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Махатма Ганди кўчаси, 44-уй.

1.5. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.kapitalsugurta.uz. Жамиятнинг электрон почта манзили: office@kapitalsugurta.uz

1.6. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади. Жамият ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

1.8. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.9. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.10. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

1.11. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

1.12. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.13. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиаллар давлат тилидаги ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампга ва ўз номидаги бланкаларга эга.

II. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматлари кўрсатиш орқали Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳаси ривожланишига ўз хиссасини қўшиш ҳамда суғурта фаолиятдан даромад олиш ҳисобланади.

2.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

суғурта ва қайта суғурта қилиш фаолияти;

махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматларини кўрсатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

2.3. Жамият ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган лицензия асосида амалга оширади.

2.4. Жамият чекланмаган муддатга таъсис этилган.

III. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкнинг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли.

3.2. Жамиятнинг устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 80 000 000 000 (саксон миллиард) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 6 125 000 000 000 (олти триллион бир юз йигирма беш миллиард) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳамда 1 875 000 000 000 (бир триллион саккиз юз етмиш беш миллиард) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Кўшимча акциялар фақат мазкур Уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.4. Жамият томонидан устав фондини (капиталини) кўпайтириш мақсадида чиқариладиган, эълон қилинган акцияларнинг сони 6 500 000 000 000 (олти триллион беш юз миллиард) донани ташкил этади, шу жумладан:

эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 4 975 000 000 000 (тўрт триллион тўққиз юз етмиш беш миллиард) дона миқдорда;

эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар – номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 1 525 000 000 000 (бир триллион беш юз йигирма беш миллиард) дона миқдорда.

3.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва мазкур Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки агар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг Кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш ҳукуки

берилган бўлса, жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур Уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Жамият тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав капиталининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги керак.

3.7. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорида мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

3.8. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

3.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

3.10. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз барабаридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

Қонун ҳужжатларида жамият акциялари ҳамда бошқа қимматли қоғозлари ҳақи сифатида тўланиши мумкин бўлган мол-мулк турларига чекловлар белгиланиши мумкин.

3.11. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайитириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайитирилиши мумкин.

3.12. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини

олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

3.13. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва мазкур Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.14. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ

4.1. Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

4.2. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

4.3. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

4.4. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

4.5. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдори ва (ёки) қиймати акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар йил якунлари бўйича акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарор акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг Кузатув кенгашининг тавсияси асосида қабул қилинади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларнинг миқдори жамиятнинг Кузатув кенгаши тавсия

этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Дивиденд миқдори акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланмаган тақдирда, имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари билан барабар дивидендлар олиш ҳуқуқига эга.

4.6. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур Уставга имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

4.7. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий

йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг жамият Акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

4.8. Жамият қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан Кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

V. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

5.2. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.3. Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

5.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

5.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек мазкур Уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.7. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

5.8. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.10. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

5.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

5.12. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

5.13. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

5.14. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

5.15. Жамият:

жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Мазкур бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

5.16. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

5.17. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ

6.1. Жамиятда унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

6.2. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори захира фондининг мазкур Уставда белгиланган миқдорига етгунига қадар жамият соф фойдасининг камида беш фоиз миқдорида белгиланади.

Захира фонди жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизига етганидан кейин эса – ҳар йилги ажратмалар миқдори жамият соф фойдасининг 0,5 фоизи

миқдорида белгиланади.

6.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

6.4. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

6.5. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондидан (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдорга камайтириши шарт.

6.6. Жамиятнинг устав фондидан (устав капиталини) камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари жамиятни суд тартибидан тугатишни талаб қилишга ҳақли.

6.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ жамиятда бошқа фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

6.8. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Акциядорлар:

жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишлари мумкин.

7.2. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

7.3. Жамият акциядорлари куйидаги мажбуриятларга эга:

жамият Устави талабларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатлари, жамият устави ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, шаклларда ва муддатларда жамият акциялари ҳақини тўлаш;

жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик;

ўз манзили (жойлашуви), электрон почта манзили ва бошқа маълумотлари ўзгарган тақдирда бундай ўзгариш содир бўлган кундан бошлаб 15 кундан ошмаган муддатда жамиятни хабардор қилиш. Бундай маълумотлар хабар қилинмаган тақдирда жамият хабар қилмаслик оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди;

махфий маълумотларни ошкор этмаслик.

7.4. Акциядорлар қонун ҳужжатлари ҳамда Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

Жамият фаолиятини самарали ташкил этиш ва устав фондига (устав капиталига) хорижий инвесторларни жалб этиш, Ижроия органлари, меҳнат жамоаси вакиллари ўртасида ўзаро муносабатлар тизимини таъминлаш Корпоратив бошқарув кодекси ва жамиятнинг локал ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

8.2. Жамиятда Корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилиши мумкин. Корпоратив маслаҳатчи жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши назорат қилиш вазифасини бажаради.

IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили қоида тариқасида 20-30 июн кунларидан бирида ўтказилади. Зарурат бўлганда, жамият Кузатув кенгаши акциядорларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олдиндан хабардор қилган ҳолда, Йиллик акциядорлар умумий йиғилишини ушбу бандда белгиланган муддатгача ўтказиш ҳуқуқига эга.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли

сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

9.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

9.5.1. жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

9.5.2. жамиятни қайта ташкил этиш;

9.5.3. жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

9.5.4. жамият Кузатув кенгашининг ва Миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9.5.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

9.5.6. жамият устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

9.5.7. жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

9.5.8. ўз акцияларини олиш;

9.5.9. жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Ижроия органини тузиш, Кузатув кенгашининг жамият Ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлаш;

9.5.10. жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

9.5.11. жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

9.5.12. жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

9.5.13. жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

9.5.14. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

9.5.15. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

9.5.16. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.5.17. мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.5.18. қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар фақат қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин.

9.7. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи

акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, шунингдек мазкур Уставнинг 9.5.1, 9.5.2, 9.5.3, 9.5.5., 9.5.13., 9.5.17-бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

9.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

9.10. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бошқа ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

9.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

9.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставда назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

9.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, Кузатув кенгашининг Бош директор, Ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳулосаси, шунингдек Кузатув кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Уставга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси киради.

Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари, қарор қабул қилган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда

аффилланган шахслар билан битимлар тузиш чоғидаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар жамият йиллик ҳисоботининг бир қисмидир.

Бунда, Жамият ўзи ва аффилланган шахс ўртасида тузилган битим ҳақидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этиши шарт.

9.16. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

9.17. Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда Уставнинг 9.16-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

9.18. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Уставнинг 9.16-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) Уставнинг 9.16-бандида назарда тутилган миқдордаги жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

Уставнинг 9.16-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар қонун ҳужжатлари мазкур Устав талабларига мувофиқ бўлмаса.

9.19. Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

9.20. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда Кузатув кенгаши, қонун ҳужжатлари ёки мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, “турли масалалар”, “бошқа масалалар”, “ўзга масалалар” ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

9.21. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма бир кундан кам ва ўттиз кундан кўп эътиб белгиланиши мумкин эмас.

9.22. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.23. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Кузатув кенгаши томонидан Саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

9.24. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига Кузатув кенгашининг, Тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият Бош директори, Ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

Саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг архивига топширади.

9.25. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

9.26. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

9.27. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш Уставнинг 9.13-бандида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

9.28. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

9.29. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.30. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади ёки масофадан туриб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Кузатув кенгаши томонидан қақрилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Овоз бериш бюллетенида: Жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни қўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага “ёқлайман” деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидagi масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

9.31. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур банднинг биринчи қисмида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

9.32. Овоз бериш якунлари бўйича Санок комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг қворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва Санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари Санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

9.33. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган

овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

Х.ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

10.2. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

10.2.1. жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

10.2.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

10.2.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

10.2.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

10.2.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

10.2.6. жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

10.2.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

10.2.8. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

10.2.9. жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

10.2.10. жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

10.2.11. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

10.2.12. жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

10.2.13. жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

10.2.14. жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

10.2.15. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

10.2.16. жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

10.2.17. жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.2.18. қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

10.2.19. жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.2.20. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.2.21. жамиятнинг Ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

10.2.22. Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

10.2.23. жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

10.2.24. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.2.25. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият Уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритиш;

10.2.26. қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомда назарда тутилган Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш;

10.2.27. Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом ва жамият бошқа локал ҳужжатларида назарда тутилган Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

10.2.28. Жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилайдиган низомни тасдиқлаш.

10.2.29. Қўмиталар ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш.

10.3. Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.4. Кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият ижроия органи раҳбари жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.5. Кузатув кенгашининг сон таркиби 9 кишини ташкил этади. Жамият Кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

10.6. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.7. Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан

кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

10.8. Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), бош директорнинг, бир фоиздан кам бўлмаган оддий акция эгалари, шунингдек мазкур Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги талаб Кузатув кенгаши раиси номига ёзма шаклда берилиб, унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахс(орган) тўғрисидаги маълумотлар;

мажлис кун тартиби бўйича таклифлар;

мажлисни чақириш учун асослар:

а) кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳужжат ва материаллар (мавжуд бўлганда);

б) мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахс (орган)нинг жойлашган манзили;

в) мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахснинг имзоси.

Мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахс (орган) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши кун тартибига қўйилган масалалар бўйича қарор лойиҳасини таклиф этиш;

Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган кун ва вақт борасида таклиф киритиш;

Кузатув кенгаши мажлисида учинчи шахсларнинг иштироки борасида таклиф бериш;

Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тартиби бўйича таклифлар бериш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

Кузатув кенгаши раиси тушган таклифни кўриб чиқиши ҳамда таклиф олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни ташкил этиши ёки Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги таклиф қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставда белгиланган талабларга зид бўлганда, мажлис кун тартибига киритилиши таклиф этилган масала Кузатув кенгаши ваколат доирасига кирмаган ҳолларда бундай таклифни рад этилиши тўғрисида Кузатув кенгашини чақириш талаби билан чиққан шахсни (органни) ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой, мажлисининг кун тартиби, мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахс (орган) тўғрисидаги маълумот (мажлис Кузатув кенгаши раиси таклифи билан чақирилмаган ҳолларда)ни ўз ичига олган ёзма хабарнома Кузатув кенгаши аъзоларига факс ёки электрон почта манзилига Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилишига камида уч кун қолганда Кузатув кенгаши котиби томонидан юбориш йўли билан маълум қилинади.

Кузатув кенгаши аъзоларига Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги хабарнома матни Кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

10.9. Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.10. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур Уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда

Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

10.11. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

10.12. Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

10.13. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг Ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг Ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

10.14. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Ижроия органига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув Кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган Аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятида Аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

10.15. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг афилланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядорлари ва (ёки) афилланган шахснинг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) афилланган шахснинг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳаққининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг афилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бунда кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг афилланган шахсларнинг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг Ижроия органи раҳбари – Бош директор томонидан амалга оширилади.

Жамият Ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.2. Жамиятнинг Ижроия органи Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Бош директорнинг ваколатига қуйидагилар киради:

мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ифодалаш;

жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномалар бериш;

ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

Бош директор қуйидагиларга мажбур:

ўз ваколати доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, фақат Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

жамият Кузатув кенгаши қошидаги Қўмиталар тавсияларини кўриб чиқиш ва бажарилишини ташкил этиш;

жамиятда шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

жамият фаолиятини ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олинишини таъминлаш;

жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

жамият фаолиятида қонунийликни таъминлаш;

жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги,

тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

жамият Тафтиш комиссияси ва жамият Ички аудиторининг талабига кўра жамият молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш;

ўз ваколатига кирувчи ишлар тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига белгиланган муддатларда тақдим этиш;

қонун ҳужжатлари, жамиятнинг Ижроия органи тўғрисидаги низом ва Бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа мажбуриятлар.

Бош директорнинг ҳуқуқлари:

қонун ҳужжатлари, жамият Устави ва Бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномаси билан унинг ваколатига киритилган жамият жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалаларни мустақил равишда ҳал этиш;

жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш, банкларда жамиятнинг вакиллик, валюта ҳисобрақамлари ва бошқа ҳисобрақамлар очиш, битимлар тузиш, фақат Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига киритилган битимлар тузиш бундан мустасно, мазкур Уставда келишиб олинган доирада мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этиш, шартнома ва контрактлар тузиш, ишончномалар бериш ва ёзишмалар олиб бориш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, кундалик ҳўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

ўз ваколатига кирувчи айрим масалаларни ҳал этишни бошқа мансабдор шахсларга – Бош директор ўринбосарларига ва таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига топшириш;

қонун ҳужжатлари, жамиятнинг Ижроия органи тўғрисидаги низом ва Бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлар.

11.3. Жамиятнинг Ижроия органи Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан тузилади. Жамият Ижроия органининг раҳбари ўз лавозимига Кузатув кенгаши қарори билан бир йил муддатга тайинланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият Ижроия органи раҳбарини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

11.4. Жамият Бош директорининг, Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Шартнома жамият номидан Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган бошқа шахс томонидан имзоланади.

Жамиятнинг Бош директори, Ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.5. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори, шунингдек ишончли бошқарувчининг хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.6. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

11.7. Акциядорларнинг вакили сифатида ҳаракат қилаётган ижро органи аъзолари ижро органи аъзоларини сайлаш масалалари бўйича овоз беришга ҳақли эмас.

ХП. ЖАМИЯТНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

12.1. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

12.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг Ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

12.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

ХП. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

13.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият Ижроия органининг зиммасида бўлади.

13.2. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

13.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

ХІV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

14.1. Жамиятни қайта ташкил этиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган рухсатномасига кўра акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жамият қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш мумкин.

Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14.2. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда тугатувчини тайинлаш масаласи Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан қабул қилинади.

Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамият тугатилганда барча кредиторларнинг манфаатларига риоя қилинади.

Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатувчи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар ўртасида тақсимланади.

14.3. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

XV. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

15.1. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.

Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва Жамиятнинг розилигисиз ўзга шахсга беришга ҳақли, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

15.2. Жамиятни таъсис этишда унинг акциялари ҳақини тўлаш Жамият муассислари томонидан акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

15.3. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни Акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) қонун ҳужжатларида акциядорлик жамияти белгиланган учун устав фонининг (устав капиталининг) энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият

жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

15.4. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинган акцияларнинг турлари, жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилиши керак.

Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, Жамият эса уларни олиши шарт. Агар жамият томонидан олиниши тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар олинади.

Акциялар олинган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт. Билдиришда ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли акцияларни олиш мазкур Уставда назарда тутилган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

Кейинчалик қайта сотиш мақсадида жамият тасарруфига ўтган акциялар улар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

Жамият томонидан ўз акцияларининг олиниши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мустақил равишда ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари орқали амалга оширилади.

Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

15.5. Жамият ўзининг жойлаштирилган оддий акцияларини:

Жамиятнинг бутун устав фонди (устав капитали) батамом тўлангунига қадар;

агар оддий акцияларни олиш пайтида жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни олганлиги натижасида пайдо бўлса;

агар оддий акцияларни олиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан), захира фондидан ва жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг мазкур Уставда белгиланган тугатиш қийматининг номинал қийматидан ортиқ қисмидан кам бўлса ёхуд акцияларни олиш натижасида уларнинг миқдоридан камайиб кетса, олишга ҳақли эмас.

қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтариб сотиб олиш тўғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар қайтариб сотиб олинмагунига қадар жамият жойлаштирилган акцияларни олишга ҳақли эмас.

15.6. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;
жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;
қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида;

Мазкур Уставга овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни қайтариб сотиб олиш талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олиш талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ

16.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

16.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

16.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд Акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг ижроия органи раҳбари, шунингдек Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

16.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

16.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан

қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

16.6. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 кишидан иборат бўлади.

16.7. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

16.8. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

16.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

16.10. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашушга ҳақли эмас. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувиغا йўл қўйилмайди.

XVII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

17.1. Устав қоидаларидан бирортаси кучини йўқотган тақдирда, бундай кучини йўқотиш Уставнинг бошқа қоидаларига таъсир кўрсатмайди.

17.2. Устав белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва жамият тугатилгунга ёки мазкур Уставининг янги таҳрири кучга киргунга қадар амал қилади.

17.3. Мазкур Устав билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Пронумеровано и пронумеровано
на листах

